



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 7 июль, № 138 (7096)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОЗОҒИСТОННИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ЯҚИН ДЎСТ ВА ҚЎШНИ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОННИ ҲАМ ҚУВОНТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 6 июль куни Қозоғистонга ташриф буюрди ва Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этди.



Президентлар дастлаб яқинда очилган “Остона” халқаро молия марказини бориб кўрди. Ушбу марказда ишбилармонлар учун яратилган шароитлар, истикболда белгиланган режалар билан танишди.

Марказ фаолияти халқаро молия институтлари тажрибаси асосида йўлга қўйилган. Марказ аъзолари учун эллик йилгача солиқ имтиёзлари бериш, виза, валюта ва иш юритиш ти-

зимини соддалаштириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу замонавий ва инновацион молиявий марказ қардош Қозоғистоннинг катта ютуғи эканини таъкидлади.

Мустақиллик саройида Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тарихий сана билан Қозоғистон халқи ва Президент Нурсултон

Назарбоевни самимий табриклади.

Остона шаҳри янги, мустақил ва изчил ривожланаётган Қозоғистоннинг ёрқин тимолидир. Унинг қиёфасида қозоқ халқининг бой маданияти ва анъаналари, замонавий архитектура ютуқлари мужассам. Бу шаҳар йирик иқтисодий ва молиявий марказ, халқаро форум ва учрашувлар майдони ҳамдир, деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистоннинг муваффақиятлари яқин дўст ва қўшни сифатида Ўзбекистонни қувонтириши таъкидланди. Мунтазамлик касб этган учрашув ва тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада юқори поғонага олиб чиқишига ишонч билдирилди.

Маълумки, 1994 йил 6 июлда Қозоғистон Олий Кенгаши мамлакат пойтахтини Олмаотадан Қоғолага кўчириш тўғрисида қарор

қабул қилган эди. Президент Нурсултон Назарбоевнинг фармониға мувофиқ, 1997 йил 10 декабрда Оқмола шаҳри Қозоғистон Республикасининг пойтахти, деб расман эълон қилинди. 1998 йил 6 май куни Оқмола шаҳрининг номи Остона деб ўзгартирилди. 2008 йили қабул қилинган қонунға мувофиқ, “6 июль — Пойтахт куни” давлат байрами этиб белгиланган.

Ўтган даврда шаҳар ҳудуди анча кенгайиб, замонавий бинолар барпо этилди. Остона мамлакатнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий, ижтимоий, маданий марказига айланди.

Бу ерда минтақавий ва халқаро миқёсдаги тадбирлар ўтказилляпти. Жумладан, Қозоғистон пойтахти 2017 йилги халқаро иқтисослашган кўргазмага мезбонлик қилди.

Остона тарихида мамлакатимиз учун ҳам эътиборга молик жиҳатлар кўп. Ўзбекистон Президентлари, парламент ва ҳукумат делегациялари бу ерга бир неча бор ташриф буюрган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Остонада бўлган эди. Ушбу ташриф натижа-сида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, мавжуд улкан салоҳият рўёбга чиқди. Ўзаро савдо ҳајми ва номенклатураси кенгайди.

Ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқа-лар фаоллашди. Маданий-гуманитар ҳамкорлик мустаҳкамланди. 2018 йил — Қозоғистонда Ўзбекистон илми доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, адабий учрашувлар ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил июнь ойда Остона шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва сентябрда Ислон ҳамкорлик

ташкилоти саммитларида ҳам иштирок этди.

Расмий Остона Шавкат Мирзиёевнинг минтақа мамлакатлари раҳбарларининг учрашувини ташкил этиш ташаббусини биринчилардан бўлиб кўллаб-қувватлади. Жорий йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувини бўлиб ўтди. Бу тарихий саммит минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч, шериклик ва яхши қўшнилик муносабатларининг янги босқичини бошлаб берди.

Остона шаҳрининг 20 йиллик тадбирлари яна бир самимий мулоқот майдони бўлди. Юбилейга Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам ташриф буюрди.

Тантанали маросимда мамлакатимиз санъат усталари томонидан ҳам куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Байрам тадбири халқларимиз дўстлиги, маданий ақинлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистонга ташрифи чоғида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Музокарада икки мамлакат ҳамкорлигининг истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари олий даражадаги бўлғуси тадбирлар кун тартибини ҳам қўриб чиқдилар.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи низоҳасига етди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Халқаро ҳамкорлик

2017 йил Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТ халқ дипломатияси марказлари фаолиятини йўлга қўйиш таклифини билдирган эди.

ШХТ Халқ дипломатияси маркази

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 июндаги “Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилиши билан давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доимий фаолият юритувчи Халқ дипломатияси маркази таъсисчиларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда марказнинг мувофиқлаштирувчи Кенгашига аъзо республикамиздаги қатор вазирилик ва идоралар раҳбар ходимлари иштирок этди.

Кўмита раиси Р. Қурбонов йиғилганларни ушбу муҳим воқеа билан қутлаб, марказ фаолияти ҳақида маълумот берди.

Марказнинг асосий мақсади давлатлараро ўзаро

(Давоми 4-бетда).



“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури:

Замонавий ташаббуслар ва инновацион лойиҳаларга кенг йўл



Ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни, тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши ёшларининг юксак таълим-тарбия олиши, фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, жамиятда муносиб ўрнини топишига боғлиқ.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатида айни мана шу жиҳатлар эътиборга олинмоқда. Замонавий билим ва кўникмаларга эга, тадбиркор, юртимиз келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашга катта куч ҳамда маблағлар йўналтириляпти.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июн-

даги Фармони билан қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури эртанинг ёшларининг бизнес ташаббуслари, стартаплари, рўёлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, банд бўлмаган йигит-қизларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юри-тимиз кўникмаларига ўқитиш, умуман, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг

бандлигини таъминлашга қаратилган механизмини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида мазкур дастурнинг ўзига хослиги, уни самарали ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар масаласи билан шуғулланувчи мутахассис, эксперт, тадбиркор ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда ёшлар бандлигини таъминлашга тўқсонлик қилаётган тизимли муаммоларга апрофчила тўхталиб ўтилди. Хусусан, истиқболли гоёси бўла туриб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун маблаг топа олмаётган, моддий имкониятга эга бўлса-да, тадбиркорликда ишни нимадан

бошлашни билмаётган, бизнес юритиш бўйича билим ва салоҳиятини оширишни, бир ишнинг этагидан тутишни дилига тугиб яшаётган, аммо бу борада шарт-шароит ҳамда имконият йўқлигидан ўзини ҳаётнинг турли йўлларида уриб кўраётган ёшлар учрайди.

— “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури юртимизда айни шу масалаларни самарали ҳал этадиган, келажагимиз ворисларининг ҳаёти ва фаолиятида катта бўрилиш ясайдиган муҳим ҳужжат бўлди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ижрочи директори Бунёд Баҳромбеков.

(Давоми 4-бетда).



ЎЗБЕКИСТОННИ ТАНЛАГАН ИНВЕСТОРЛАР

Ҳасан УЛУСОЙ:

Ўзбекистон — ажойиб ўлка. Келинг, сармоя киритинг, бизнесингиз, албатта, гуллаб-яшнайди!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғоннинг шу йил 31 апрель — 1 май кунлари мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркия ишбилармонлари бизнес форумида иштирок этиб, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган инвесторларга алоҳида миннатдорлик изҳор қилганидан хабарингиз бор.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашув чоғида “Nobel Ilac” — “Ulkar Holding” компаниясининг юртимиздаги фаолиятига юқори баҳо бериб, “Фармацевтика sanoatida maqtasa arziyulikli ishlar qilyapsiz. Bu ishlarни davom ettirasiz biz sizdan rozi bulamiz. Neга deganda, Turkia 80 foiz dori-darmonni uзда

ишлаб чиқаради. Дунёда қандам-кам давлат бунга эришган... Сизнинг катта-катта ишингиз, бозорингиз Ўзбекистонда борлиги — бу ҳақиқат. Сизнинг ишларингизга муваффақият тилайман”, деган сўзлари нуфузли тадбир иштирокчиларининг давомли олқишлари билан қарши олинди.

Муҳбиримиз туркиялик машхур инвестор, жаҳон фармацевтика sanoatida maqtasa arziyulikli ishlar qilyapsiz. Bu ishlarни davom ettirasiz biz sizdan rozi bulamiz. Neга deganda, Turkia 80 foiz dori-darmonni uзда

(Давоми 3-бетда).



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— **Сухбатимизни тарихий учрашувдан олган таассуротларингиз билан бошласак. Ушш пайтда қалбингиздан қандай кечинмалар ўтди?**

— Тўғриси, у палладаги ҳис-ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Ўзингиз ўйланг, бизнес форумида Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари бизнинг компаниямиз номини алоҳида тилга олиб, менга шахсан миннатдорлик билдириши, табиийки, қалбимни тўлқинлантириб юборди. Ахир, юртингизда олиб бораётган ишимиз, меҳнатимизга катта баҳо берилди. Бундан жуда ҳам миннатдорман.

Президентнинг ҳар бир сўзини Ўзбекистон халқи саломатлиги йўлида янада кўпроқ ғайрат-шижоат билан хизмат қилиш, ҳамкорлик ришталарини бунданда мустаҳкамлашга даъват, деб қабул қилдик. Ушбу эзгу йўлда жонбозлик кўрсатиш, инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга тайёرمىз.

— **Мана, 16 йилдирки, юртимиз фармацевтика sanoatida муҳим лойиҳани амалга ошириб келятсиз. Айтинг-чи, бизнес фаолиятингизни Ўзбекистон билан боғлашга нима туртки бўлган эди?**

— “Nobel Ilac A.S.” Туркиядаги қарийб 55 йиллик тарихга эга энг йирик ширкатлардан биридир. 2000 йилнинг бошида фаолиятимиз кўламини кенгайтириш, аниқроғи, хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қарор қилдик. Ушбу лойиҳа учун, биринчи бўлиб, Ўзбекистонни танладик. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистонга муносабатим, меҳрим бўлакча. Бу юрт биз учун ота макон сифатида янада суюқ ва қадрлидир.

Этиборлиси, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга кўп вақт кетмади. “Nobel Pharmsapoa” корхонасини ташкил этиб, 2002 йилдаёқ дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик ва ўзбек халқига юқори сифатли маҳсулотлар етказиб бера бошладик.

Хозирги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларида “Nobel” нинг фирма ва ваколатоналари фаолият юритяпти.

Ўзбеклар — меҳнатқаш, илмий-техник салоҳияти юқори халқ. Айниқса, ёшларнинг билими, тафаккури ўта бой. Замонавий илм-фан сирларини пухта ўзлаштирган янги авлод етишиб чи-

қаётгани иқтисодиёт, хусусан, фармацевтика sanoati истиқболида нурли уфқларни очмоқда. Масалан, юртингиздаги фармацевтика фабрикамизда 350 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, шундан атиги 2 нафари Туркия фуқароси, холос. Биз ўзбекистонлик мутахассислар кўмағида ишлаб чиқаришни ташкил этиб, экспортни амалга оширмоқдамиз. Шу маънода, бу ерга инвестиция киритишимиз тўғри қарор

порт ҳажмини кўпайтириш ниятидамиз. Бунинг учун, аввало, чет давлатларнинг обрўли экспертлари томонидан маҳсулотларимиз тан олиниши, яъни ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотлар билан яқиндан танишиб, ижобий хулосасини бериши керак. Шу боис тез орада Европадан экспертлари тақдир қилишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз Ўзбекистондан Европа мамлакатларига ҳам дори-дармон етказиб беришдир.

билимлари билан ўртоқлашади. Ўз навбатида, мутахассисларимизни чет элларга жўнатиб, малакасини оширялмиз. Шу тариқа янги инновациялар усуллар ўзлаштирилмоқда. Демокчи бўлганми, инвестициялар фақатгина моддий кўринишда эмас. Чунки фармацевтика — юқори технологиялар ва билим талаб қиладиган соҳа.

Шу ернинг ўзида хом ашё ишлаб чиқаришни, яъни маҳсулот синтезини

нинг ишланмалари, ихтироларини амалиётга кенгроқ татбиқ қилиш зарур. Масалан, биз Ўсимлик моддалари кимёси институти билан мустаҳкам ҳамкорликини йўлга қўйганмиз. Биргаликда шифобахш гиёҳлар асосида дори воситалари тайёрланмоқда. Бунда жалб этилаётган янги ноу-хаулар, илғор технологиялар кўл келяпти.

Эндиликда бу соҳага сармоя киритадиган инвесторлар янада кўпаяди. Улар

бирмунча мураккаб шароитларда бошладик. Буни Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бизнес юритиш учун энгилликлар бериш, чет эллик инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилган охирги икки йилда, айниқса, қуқур ҳис қилиб турибми. Чунки шу қисқа давр ичида иқтисодиёт тараққиётида тамал тоши бўладиган ўта муҳим, тарихий ҳужжат қабул қилинди. Энг асосийси, Ўзбекистон эшиklarини бутун дунёга очди.

Бу нима беради? Аввало, хорижлик сармоядорлар, тадбиркорларда ишонч уйғотади. Бу мамлакатнинг имиджи ўзгаргани, инвестициявий жозибадорлиги ортаётганини аңглатади. Демак, инвестициялар оқими янада кўпаяди. Янги инвестиция янги технология, дегандир. У билан бирга, тараққиёт ҳам кириб келади. Нафақат фармацевтика, балки sanoatнинг бошқа тармоқларига ҳам киритиладиган сармоялар кўпаяди. Шундай истаги бор тадбиркорлар Туркияда ҳам жуда кўп. Улардан бир гуруҳи Президентимиз Режеп Таййип Эрдоғунинг юртингизга ташрифи давомида Ўзбекистонга келиб, инвестициявий ҳамкорлик қилиш бўйича амалий келишувларга эришдилар.

Бу жараёндан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ, албатта. Янги дори воситаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилмоқчимиз. Шулардан бири бутун дунёда қизиқти катта бўлган биотехнологик дори-дармонлардир. Туркияда худди шу йўналишда инвестиция киритиб, муайян тажриба ортирдик. Эндиликда уни юртингизда тайёрлашни йўлга қўйиб, юқори самарали маҳсулотларни ўзбек халқига тақдим этиш, шунингдек, дунё давлатларига экспорт қилиш ниятидамиз.

Ўзбекистондаги хозирги ислохотлардан умидим катта. Унинг яқин ўтимиши билан бугунги таққослаган киши мамлакат ўзгача бир нуқта, янги поғонага кўтарилганига амин бўлади. Бу шиддатли ривожланишнинг бошланишидир. Эндиликда ўзбек халқи янада фаровонликда яшайди. Янада кўпроқ инвестициялар киритилади, янада кўпроқ экспорт қилинади.

«Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Ҳасан УЛУСОЙ:



бўлган, деб бемалол айта оламан. Шундай олижаноб халқ билан бирга ишлаётганимдан доимо ғурурланаман.

— **Фармацевтика sanoatida маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини оширишда сизнинг лойиҳангиз қандай роль ўйнапти?**

— Ўзбекистонга Туркиядаги иккита ишлаб чиқариш фабрикамизда жорий қилган халқаро андозаларга мос технологиялар, Германия, Швейцария, Австрияда тан олинган стандартлар, инновацион ноу-хауларни олиб келганмиз. Шунинг учун бу ерда тайёрланаётган 60 номдаги 110 дан ортиқ турдаги дори воситаларининг сифати юқори, талаб эса шунга яраша ҳам ички, ҳам ташқи бозорда низоятда катта. Бу эса фаолиятимизни кенгайтиришга руҳлантиряпти. Дастлаб кичикроқ фабрикада иш юритган бўлсак, орадан маълум вақт ўтиб, катта замонавий фабрикани бунёд этдик.

Бугунги кунда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи тўширилган дори воситалари Туркия, Грузия, Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Яқин вақт ичида янги бозорларни ўзлаштириш, экс-

— **Ўтган давр ичида “Nobel Pharmsapoa” корхонасини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун қанча инвестиция киритдингиз ва улар, асосан, қандай кўринишда бўлди?**

— Киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 40 миллион АҚШ долларидан ошди. Лекин бу билан чекланиб қолганмиз йўқ. Лойиҳамизни тобора кенгайтирялмиз. Айтайлик, 2017 йил апрель ойида Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Туркияга сафарига давомида яна 3 миллион АҚШ долларлик шартнома имзоладик.

Инвестиция дейилганда, кўпчиликнинг кўз ўнгига дастлаб маблағ ёки технология пайдо бўлади. Тўғри, ишлаб чиқаришни ташкил этишда булар жуда муҳим. Биз ҳам дастлаб маблағ киритиб, ишлаб чиқариш биноси, лаборатория қуриб, уларни замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозладик. Бундан ташқари, билимга инвестиция йўналтирялмиз. Яъни ноу-хауларни амалда қўллаш борасида айна пайтда Туркиядан етук мутахассислар келган. Бири янги инвестициялар, бошқаси сифат назорати борасида фаолият кўрсатади, ўз

йўлга қўйишга аҳд қилган эканмиз, шулар билан киёфоялиб қолмаймиз, албатта. Қўшимча инвестициялар киритамиз. Бу каби саъй-ҳаракатларимиз маҳсули бўлган янги фабрикамиз яқинда фойдаланишга топширилди. Унинг қуввати йилига 20 миллион кутигача маҳсулот ишлаб чиқаришга тенг. Корхона ёнида яна бир ишлаб чиқариш биносини қурдик. Бу ерда пенициллин ишлаб чиқарилади. Уни ҳам экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз.

— **Соҳа мутахассиси сифатида Ўзбекистонда фармацевтика sanoatining бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз, бу жабҳада ривожланган давлатлар қаторига чиқиш учун қанақа чора-тадбирлар қўриш керак, деб ўйлайсиз?**

— Ўзбекистонда фармацевтиканинг истиқболи фоятда порлоқ. Фақат мавжуд табиий ва илмий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, соҳага кўпроқ инвесторларни жалб этиш керак. Чунки юртингиз табиати шифобахш гиёҳларга жуда бой. Қолаверса, табиий дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича узок йиллардан буён тадқиқотлар олиб бораётган илмий муассасалар кўп. Улар-

томонидан янги-янги заводлар қурилар

шамга имоним қомил. Шахсан мендан “Сиз Ўзбекистонни яхши биласиз, у ҳақида маълумот беринг”, деб кўп бора сўрашади. Уларга ҳар доим шундай жавоб қайтараман: “Ўзбекистон — ажойиб ўлка. Марҳамат, келинг, сармоя киритинг, бизнесингиз, албатта, гуллаб-яшнайдиган!”

Бунга ўз фаолиятим мисолида аққол гувоҳман. Мен Ўзбекистонга ишонаман ва севаман. Бу туйғу муваффақиятларга кенг йўл очиб берди. Зеро, киритган инвестицияларим Инвестиция дастуридан ўрин олиб, унинг қафолати таъминланди.

— **Ўзбекистондаги ислохотларнинг янги босқичини инвестор сифатида қандай баҳолайсиз?**

— Яширмайман, биз фаолиятимизни

Сўзим сўнгига ўзбек халқига фаровонлик, сиҳат-саломатлик, ёруғ келажақ тилайман. Энг муҳими, турк ва ўзбек халқлари янада жипслашсин. Зотан, тилимиз бир, илдизимиз, ўзлигимиз бир. Бир-биримизни қанчалик яқиндан билсак, шунчалик меҳр қўямиз. Мен бу танти, бағрикенг, ишбилармон халқни танидим ва чексиз меҳр-муҳаббат қўйганимдан фахрланаман.



Сир-синоатга, тилсимларга бой она-табиат чексиз саховати билан инсониятга хизмат қилиб келади. Муқаддас китобларда, хусусан, Қуръонни қаримнинг “Наҳл” — “Асалари” деб номланган су-расида ҳам бу борада шундай марҳамат қилинган: **“Парвардигоримиз асаларини ваҳий —**

амр қилди: “Тоғларга ва дарактларга ва қуриладиган уйлارга ин солгин. Сўнгра турли ме-валардан еб, Парвардигоринг осон-кулай қилиб қўйган йўллардан юргин!” Унинг қор-нидан одамлар учун шифо бўлган алвон ран-гли ичимлик — асал чикур. Албатта, бу ишда

тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир”.

Ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз (С.А.В.) шундай дегани айтилади: **“Кимда-ким ҳар ойда уч марта, наҳорда (оч қоринга) асал яласа, касаллиқнинг қаттаси унга яқин йўламайди”.**

АСАЛАРИЧИЛИК



Халқимиз ҳам бу борадаги та-шаббусларни, саъй-ҳаракатларни хайрихоҳлик билан кутиб оляпти. Хусусан, Юртбошимиз ўтган йил Фарғона вилоятига ташрифи до-ирасида бу ердаги асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув марказида ҳам бўлиб, қатор тақлиф ва та-всиялар бераар экан, шундай деб таъкидлади: “Фарғона давлат

университетида асаларичилик бўйича мутахассислар тайёрлаш-ни йўлга қўйиш керак. Агар маз-кур соҳанинг илмий асосларини ўргатадиган муассаса ташкил қилинса, бошқа вилоятлардан ҳам ёшлар ўқишга келади. Бун-дан ташқари, хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ билан ҳамкорлик-ни йўлга қўйиш лозим. Ўзбекис-

тон — АҚШ қўшма корхонаси ташкил қилиниб, икки мамлакат-нинг етакчи мутахассислари доимо тажриба алмашиб тури-ши керак”.

Давлатимиз раҳбари ушбу вилоятга жорий йилнинг июнь ойидаги ташрифи давомида ҳам асаларичиликни ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Барака ғамхўрликдан бошланади

Бугун республикамизнинг тахминан 13 мингга яқин асаларичилари 674 мингга асалари оиласидан йилига 15 минг тонна шифобахш маҳсулот олишяпти.

Сайхунободлик Бахтиёр Тоғаев ўтган йили уч қути асалари олиб боқишни йўлга қўйганди. Ҳозир уларнинг сони 40 дан ошди.

— Бу иш билан шуғуллана бошлаганимиздан сўнг, рўзгоримизга барака кирди, — дейди отахон. — Менга турмуш ўртоғим билан муқаддас Ҳаж сафарига бориш имконияти яратиб берилгани эса бебаҳо тўхфа, юксак ғамхўрлик бўлди.

Бахтиёр Тоғаевнинг икки нафар фарзанди, 5 нафар набираси бор. У асалариларга ҳам ўз оила аъзоларидек эътибор кўрсатиши-на самарали натижа келтириши мумкинлигини эътироф этади.

Олимларнинг ҳисоб-китобида кўра, болари 1 килограмм асал йиғиш учун қарийб 40 минг километр масофани босиб ўтар экан.



Кони фойда соҳа

Асаларичилик кони фойда соҳа эканлигини кўпчилик тўлиқ тасаввур эта олмади. Ваҳоланки, асаларининг атроф-муҳит-га, қишлоқ ҳўжалигига фойдаси беқийёсдир.

Унинг гулларни чанглатиши қишлоқ ҳўжалиги ҳосилдорлиги-га самарали таъсир кўрсатади. Мевадди дарактлар асалари ёрдамида чангланганда, гилос-дан 20, олмадан 8, олхўридан 11, бодомдан 17 баробаргача кўп ҳосил олиш мумкин. “Ўзе-бекистон асаларичилари” уюшма-си мутахассислари бу борадаги ишларга эндиликда жиддий

эътибор беришаётгани мақтовга

лоийқидир. Маълумотларга қараганда, АҚШда асаларичилар бир йилда асал етиштиришдан 300 милли-он, чанглатиш эвазига эса қўшми-ча 1,5-1,7 миллиард доллар тўлов олишади. Агар тармоққа асал-арилар келтирадиган фойда эса ундан ҳам юқори: йилига 40-41 миллиард долларга тенглиги ай-

Тармоқ учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйиладди. Асаларичилар учун маҳсул ўқув курслари ташкил этилади. Жорий йилдан Тошкент давлат аграр университетиде очилади-ган маҳсул кафедре, қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот маркази ҳам шу ерга жойлаштирилади.

Яқинда БМТнинг Озиқ-овқат

ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) билан келишувга эришил-ди. Унга кўра, мазкур ташкилот томонидан 2018 — 2021 йиллар-да ушбу мажмуа ривожланти-риш учун 400 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратиладиган бўлди.

Бу алвон тусли мўъжизавий маҳсулот — асал етиштириш ҳажмини тобора кўпайтириш

Имтиёзлар самара беради

Қарорда акциядорлик тижорат “Алоқабанк” тарки-биде масъулияти чекланган жамият шаклидаги лизинг компаниясини ташкил этиш белгилаб берилган эди.

Айни пайтда молия муассаса-сида бу борадаги ишларга жид-дий киришилган. Асаларичилик билан шуғулланишни истаган-ларга имтиёзли фойзаларда кредитлар ажратилмоқда. “Ўзе-бекистон асаларичилари” уюшма-сига аъзо ташкилотлар агар чет-дан насли материаллар, асал-аричилик соҳасида қўлланилади-ган инвентарь ва ускуналар, маҳсул транспорт воситалари, тиркамалар, ветеринария дори воситалари, препаратлар, асал-ари уялари ишлаб чиқариши мўлжалланган ёғочли материал-лар, бутловчи буюмлар, мумпар-да ҳамда мум маҳсулотлари олиб келадиган бўлса, 2023 йилнинг 1 январигача боғхона тўлов-ларидан озод этилади.

Янги ҳаво, янги муносабат

Тенгсиз саховатли табиятга эга ўлкамизда энг пешқадам тармоқлардан бирига айланиши мумкин бўлган асаларичилик маълум муддат ўз холига ташлаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас. Оқибатда халқ фаровонлиги, соғлом турмуш тарзи, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришнинг мазкур универсал соҳаси йиллар давомида оқсаб келди, кўплаб имкониятлар қўлдан бой берилди.

Охириги чорак аср давомида мазкур жабҳада аввалдан йиғи-либ қолган муаммолар ҳал эти-лишининг пайсалга солиб келин-гани маҳсулот ҳажмининг камайиб кетишидан ташқари, асаларилар-нинг йўқолиб бориши хавфини ҳам тўғдираётган эди. Ўз навбатида, бозорларимизда соҳа-та технология асосида яратилган, аслида қийматдан бошқа нарса бўлмаган, сунъий асал маҳсулот-лари кўпайиб кетди. Буларнинг барчаси ҳақли равишда истеъмол-чиларнинг норозилигига сабаб бўлди.

Негаки, асаларичилик шунчаки ари боқиб фойда кўрадиган соҳа эмас, балки чуқур билим ва ма-ҳоратни талаб қиладиган машақ-қатли тармоқдир. Давлатнинг қўллаб-қувватлашисиз, ғамхўрлик ва эътиборисиз мазкур нозик жабҳани раванқ топтиришнинг мутлақо иложи йўқ.

Бинобарин, Президентимиз-нинг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳага янги ҳаво, янги му-носабат олиб кирди, юқоридаги кемтикликни тўлдириб борасида муҳим аҳамият касб этди. Гап шундаки, ўзидан чиқарадиган ал-вон рангли мўъжиза — асал учун-гина эмас, она-табиатдаги мута-носибликни уйғунлаштириш, эко-логик мувозанатни таъминлаш, богдорчилик соҳасини ривожлан-тириш учун асалари ўрнини ҳеч қандай замонавий технологиялар боса олмаслиги мазкур ҳужжат-дан келиб чиқадиган вазифалар-ни амалга ошириш нечоғли дол-зарб эканлигини акс эттиради. Соҳа билимдонлари, мутахассис олимлар дунёда асалари йўқолиб кетгудек бўлса, экологик бўҳрон-дан ҳеч ким қутула олмаслигини,

хаёт илдизларига путур етишини бугунги кунда илмий жиҳатдан ис-ботлаб беришмоқда. Асаларичи-лик билан шуғулланувчи корхона-ларни илгари биров билиб, би-ров билмаган бўлса, энди бу соҳа аста-секин оёққа тура бошлади.

— “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси мазкур қарордан кейин ташкил этилди, — дейди уюшма раиси Шерали Сўяроқулов. — Эн-диликда соҳа бўйича аввалги ну-фузимизни тиклаб, ривожланиш сари қадам босишда у муҳим роль ўйнайди.

Юртимизда асаларичилик 140 йилдан ортиқ тарихга эга. Ўлкамиз тоғлари, дашту дала-ларида учрайдиган турфа хил гул-чечакларнинг, ўсимлик-гиёҳлар-нинг гулларидан йиғилган ноёб бол мамлакатимиз асаларичили-ги шухратини оламга ёйган эди. Германия, Франция, Греция, Япо-ния каби давлатларга экспорт

МАЪНАВИЯТ

Асрлар давомида мутолаа этилгани сайин қадри ошиб бораверадиган асарлар башариятнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Ҳаёт муаммолари-ю инсон умрининг мазмун-моҳияти, яшашдан мақсад сингари оламшумул гоғлар билан йўғрилган Шарқнинг буюк китоблари ҳамиша ибрат намуна-си бўлиб келган.

ШАРҚНИНГ БУЮК КИТОБЛАРИ

Хинд файласуфлари “Панча-тантра”, “Хитопадешье” каби фольклор дурдоналарига суяниб яратишган “Калила ва Димна”ни Барзуя ҳаким деган киши Эронга олиб келади. Олтинчи асрнинг этмишчи-ни йилларида асар паҳлавий тилига таржима қилинади. Орадан икки асрга яқин вақт ўтиб, Аббосийлар халифалиги даврида эса Абдулла ибн-ал Муқаффа деган донишманд котиб уни араб тилига ўтиргач, дунё бўйлаб тарқаб кетади. Ибн-ал Муқаффа “Калила ва Димна”га муқаддима ёзибгина қолмай, унинг асосий матнига ҳам бирмунча ўзгартиришлар киритган. Учинчи ва ўн учинчи асрлар оралиғида Ибн-ал Муқаффа таржимаси асосида асар сурия, юнон, славян, яҳудий тилларига ўгирилади. Энг сўнгги лотин тилидаги варианты асосида француз, итальян, немис ва бошқа ғарб тилларида таржима қилинади. Рус тилида ҳам унинг бир неча вариантлари бор.

“Калила ва Димна”нинг ўзбекча-га қилинган илк таржимасининг нусхаси тахминан XIII асрга оид бўлиб, унинг ягона нусхаси Лондонда “Ин-дия офис” кутубхонасида сақлана-ди. XIX асрда тошбосмада уч мар-та ўзбек тилида нашр этилган бу асар халқимизнинг маънавий мулки-га айланиб, бугунги кунда ҳам қайта-қайта чоп этиб келинмоқда.

“Минг бир кеча” жаҳонга маш-хур бўлиб кетган араб эртақлари-дир. Китобхонлик аънаоси авжига чиққан ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек тилида ҳам минглаб нусхада чоп этилган бу китоб халқ орасида “Алифу Лайло” номи би-

лан кенг тарқалган. Шу боис турли авлод ижодкорлари ундан таъсир-ланиб асарлар ёзганлар. Ғафур Ғулумнинг “Тирик мурда” ҳикояси-нинг сюжети ҳам шу асардан олин-

синтез қилиб юбора олган. Асар аънавий ҳамд ва наът билан бош-ланади, сўнг унинг ёзилиш сабаби, муаллиф ҳақида маълумот берувчи қисқа сўзбоши, кейин эса 72 та қисса тақдим этилади. Бу асар ўзбек адабиётида бадий насрнинг етук намунаси ҳамда эски ўзбек адабий тилини ўрганишда асосий манба сифатида аҳамиятлидир.

Асарнинг XV асрга оид қўлёзмаси Лондондаги Британия музейида, XVI асрда кўчирилган нусхаси Санкт-Петербургда, XIX асрда кўчирилган қўлёзма, шунингдек, босма нусха-

“Мазҳар ул-аҳойиб” (“Мўъжизалар-нинг кўриниши”), “Жавҳар уз-зот”, “Ҳайлож”, “Мухторнома”, “Уштурно-ма” сингари асарлар қаторида “Илоҳийнома” ҳам алоҳида диққат-га молик ҳисобланади. Бу асар маснавий йўлида битилган ишқий-маърифий, фалсафий-ахлоқий дostonдир. Унда 282 та ривоят, ҳикоят ва қиссалар баён этилган.

Фаридиддин Аттор Ҳақ ва ҳақиқат тушунчаларини ҳамма вақт инсон моҳиятига боғлаб, инсон ботинида борлиғу олам эврилишларини маҳорат билан баён қилгани боис Хорхе Луис Борхес сингари замона-вий дунё адабиётининг энг пешқадам усталари эътирофига ҳам сазовор бўла олган. “Илоҳийнома”-да Сўзга юксак эътибор билан қаралади: “Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан мурда бўлиб келди. Ахир арши аълода битилган “Лавҳул маҳфуз” ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади”.

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” дostonини тўрт ёшида ёдлаб олган Алишер Навоий умри-нинг сўнгги лаҳзаларида “Лисон ут-тайр” (“Куш тили”) дostonини “Фоний” тахаллуси билан ёзди. Улуғ мутафаккир шоир бу дostonини “Мантик ут-тайр”га жавоб тарзида, “таржима расми билла” “Ҳамса”дан 14 йил кейин — 1498-99 йилларда яратган. Асар 3598 байтдан иборат. Дostonда имон, эътиқод ва маъна-вият масалалари ўртага қўйилади. Инсонийликнинг илоҳий моҳиятини



ВОҚЕАЛАР

Янгиликлар

Тафсилотлар

Жомда ичимлик сув таъминоти яхшиланмоқда

Самарқанд вилоятидаги энг сув танқис киш-локлардан бири Жом ҳисобланади. 22830 на-фар аҳолининг марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланиш кўрсаткичи бу ерда шу кунгача 27 фоизни ташкил этарди.

— “Омондара” сув иншооти капитал таъмирланиши натижасида сув чиқариш қуввати икки баробар оширил-ди, — дейди “Обод қишлоқ” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича штаб раиси Махмуд Бобоёрров. — Тармоқларни янгилаб, таъмирладик. Қишлоқ кўчаларида кранлар ўрнатилиб, тўртта янги сув иншооти қурилди, олти километрга ичимлик суви тармоғи тортилди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонда биринчи тоғ чанғи курорти бунёд этилади

Тоғ-кон комплекслари бизнес жараёнларини бошқариш ва бу соҳада хизматлар кўрсатиш бўйича дунёда етакчи саналган Андоррнинг “PGI” компа-ниясига ҳамда Ўзбекистоннинг “Amirsoy Mountain Resort” компаниясига ўртасида битим имзоланди.

Унга кўра, Андорра компа-ниясига мамлакатимизда илк замонавий тоғ чанғи-си курорти қурилишини му-вофиқлаштиради. Компания сайтида ёзи-лишича, “PGI” лойиҳани илк қадамларидан бошлаб тоғ чанғисига курорти ўз фаолиятини бошлагунча ва биринчи мижозларини қабул қилгунча бошқаради. “PGI” учун дастлабки босқичда лойиҳани бошқа-риш, кейин қурилишнинг ўзини назорат қилиш билан шуғулланадиган махсус халқаро мутахассислар жамоаси йиғиб берилади. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — тоғ чанғисига курорти топ-менежменти учун стратегик кўллаб-қувватлашни тақ-лиф этиш, техник талаб-ларни белгилаш, лойиҳа-

нинг барча манфаатдор томонлари учун коммуни-кация линиясини яратиш, қурилиш жараёнини рисо-ладагидек мувофиқлашти-ришни таъминлаш. Кейинги босқичларда Андорра компанияси лойиҳа ўз муддатида, сифатли бажарилиши учун барча пудратчи жамоаси-ни бошқаришда кўмак беради ҳамда қурилиш жараёнларини назорат қилиб боради. Пировардида Тошкент вилоятидаги “Амирсой” маскани Ўзбекистонда йил бўйи фаолият юритадиган ва халқаро стандартларга жавоб берадиган биринчи тоғ чанғисига курортга айланади.

С. МАХСУМОВ
тайёрлади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Қадимий сарой топилди

Кўҳна Қўрғон Ромитан манзилида археологик қазилма ишларини олиб бораётган мутахассислар бу ерда қадимий сарой борлиги-ни аниқладилар.

ЯНГИЛИК

— Юртимиз тарихи жуда бой, — дейди Ўзбекистон

Фанлар академиясига қараш-ли Археологик тадқиқотлар

институтини етакчи илмий хо-дими, тарих фанлари номзо-ди Абдусобиёр Райимқулов. — Қўрғон Ромитандан топи-лаётган осориётикалар ҳам шундан далолат бермоқда. Биз бу ерда Франциянинг Лувр музейи ҳодимлари би-лан ҳамкорликда археологик қазилма ишларини олиб борапмиз. Саройга келсак,

Арк ўртасида жойлашган мазкур маскан VI–VII асрлар-га тааллуқли. Бухорохудо-тлар даврида забт этилган тан-галарнинг топилгани ҳам бу ерларда цивилизация азал-азалдан мавжуд бўлганини кўрсатади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бўғинидаги

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХОРЕОГРАФИЯ ЎРТА МАКТАБИ

2018/2019 ўқув йили учун қўшимча ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Ўқишга кирувчилар учун қабул қондалари:

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабига рақс санъатига қобилияти бор иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

«КЛАССИК РАҚС» бўлимига умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфини битирган 10-11 ёшли ўқувчилар қабул қилинади.

«ХАЛҚ РАҚСИ» бўлимига умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфини битирган 13-14 ёшли ўқувчилар қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабида ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— ректор номига ариза (ўқувчиларнинг ота-онаси ёрдамида тўлдирилади);

— туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

— 3х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат;

— эмлаш картаси 063, 026-шаклдаги мактаб шифокори тасдиқлаган тиббий карточканинг нусхаси, соғлиги тўғрисида яшаш жойидаги оилавий поликлиникадан 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;

— мактаб табелининг нусхаси;

— мактабдан тавсифнома, ташхис дафтари (педагогик-психологик);

— тураржойидан маълумотнома (маҳалла фуқаролар йиғинидан);

— ота-онасининг иш жойидан маълумотнома;

— 1 дона файлли папка (20 та varaқли).

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабига қабул қилиш талабларига кўра (касбий) ижодий синов 3 тур асосида ўтказилади.

I тур

— ташқи саҳнабоплик кўрсаткичлари (юзи, қомати, гавда тузилиши ва ҳоказо) ҳамда касбга лаёқати (оёқ очилиши, кўтариш, қадам ташлаш, сакраш, эгилувчанлик).

II тур

— тиббий кўрикдан ўтиш (асосий диққат гавда, қўл, оёқ скелетларининг тузилиши, мушаклар бақувватлилиги, асаб, юрак, ўпка, кўрши аъзоларининг соғлиги).

III тур

— мусика қобилиятлари (бунда ўқувчиларнинг рақс, мусика ва ритмни ҳис қилишлари аниқланади) ҳамда ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан билимларини аниқлаш учун она тили ва математика фанларидан тест синовлари ўтказилади.

Аввалги турдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар кейинги турга қўйиладилар. Барча синовлар якуни бўйича қабул ҳайъати аъзолари ихтисослаштирилган хореография умумий ўрта таълим мактабига ўқувчиларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

Қўшимча қабул ва ижодий имтиҳонлар 2018 йил 27 — 29 август кунлари ўтказилади.

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабига ўқувчилар сафига қабул қилиш ректор буйруғи билан расмийлаштирилади. Вилоятлардан келган ўқувчилар тураржой ва иссиқ овқат билан таъмин-ланадилар.

Қўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар: (0-371) 256-24-36, 256-37-13 ҳамда www.mtxom.uz электрон манзил орқали олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Мўлжал — метронинг «Қосмонавтлар» бекати, 140-автобус ва 67-йўналишли таксининг «Хореография олий мактаби» бекати.

Қабул комиссияси.

“Yoshlar — kelajagimiz”
Давлат дастури:

Замонавий ташаббуслар ва инновацион лойиҳаларга кенг йўл

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мазкур дастурга асосан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида жағмарма, унинг ту-ман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Жағмарма жорий йилда даромадлар-нинг проғноз қилинган қисмини ошириб бажариш ҳисобига республика бюдже-тидан 2018 йил июлда, 1 ок-тябргача ва 1 декабргача тенг улушларда ажратилади-ган 500 миллиард сўм миқ-доридаги бегараз молиявий ёрдам, ҳар чоракда ўткази-ладиган, вазирлик, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жағмар-маларига тушадиган йиллик тушумларнинг 1 фоизи миқ-доридаги ажратмалар, Ўзе-бекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жағмармаси-га ҳар ойда тушадиган маб-лагларнинг 10 фоизи, маҳал-лий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари,

тур мавжуд эмасди, бунинг учун зарур инфратузилма ҳам яратилмаган эди. Президен-тимиз ташаббуси билан қабул қилинган дастур Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани-да амалга ошириб бошлан-ди ҳамда у ижобий натижа-сини кўрсатди. Давлатимиз раҳбари Фармони билан ту-зилган жағмарма маблағла-ри адолат ва шафқатли та-моийиллари асосида ишлати-лиши, ёшлар учун кредит олишда имтиёзларнинг ку-чайтирилганини эътироф этиш керак. Жумладан, ёшларга бизнес ташаббусла-ри, стартаплари, гоғлари ва лойиҳаларини амалга оши-риш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз став-ка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш катта имкониятдир.

Дастурга кўра, ёшлар тад-биркорлигини ривожланти-риш комиссиялари тузилади. Уларга ин-вестициявий ва иж-тимой комплекслар худудий органлари-нинг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банклари-нинг бириктирилган ҳодимлари, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри билан биргалик-да тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хо-ҳлайдиган банд бўлмаган ёшларни аниқлаш, худудлар кесимида уларнинг паспортлари-ни шакллантириш мақ-садида уйма-уй юриш ва аҳоли би-

Истикболни гоғаси бўла туриб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун маблаг топа олмаётган, моддий имкониятга эга бўлса-да, тадбиркорликда ишни нимадан бошлаш-ни билмаётган, бизнес юритиш оширишни дилига тугиб яшаётган, аммо бу борада шарт-шароит ҳамда имконият йўқлигидан ўзини ҳаётнинг турли йўлларига уриб кўраётган ёшлар учрайди.

хайрия қилувчилар маблағла-ри ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакл-лантирилмоқда. — Ёшлар бандлигини таъ-минлашга йўналтирилган маблаг, келажагимиз эғала-рини тадбиркорликка ундай-диган турли лойиҳалар ол-дин ҳам бўлган, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов. — Бирок, тан оли-шимиз керак, жойларда ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва йиғит-қизларни ишбилармон-лик билан шуғулланишга фoал жалб қилиш бўйича ҳар томонлама истиқболли дас-

лан учрашувлар ташкил этиш вазифалари юклати-лади. Шу билан бирга, “Yosh tadbirkorlar” қоворкин-мар-казларининг очилиши ёш тадбиркорларга бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтер-ия ва бошқа хизмат тур-ларини кўрсатиш, форум-лар, мастер-класслар ва семинарлар уюштиришда муҳим ўрин тутайди. “Yoshlar mehnat quzari” комплексла-ри йиғит-қизлар интилади-ган, муҳим гоғ ва муқим ишга эга бўлишда ёрдам олади-ган масканга айланади.

Дилшод ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШХТ Халқ дипломатияси маркази

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказ директори лавози-мига таъясчислар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муноса-батлар, ташқи иқтисодий ало-қалар, хорижий инвестиция-лар ва туризм масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Р. Назаров номзодини бир овоздан тасдиқлади.

Сўзга чиққанлар Халқ дипломатияси марказининг ташкил қилиниши нафақат минтақада, балки жаҳонда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар би-лан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда му-ҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилиш якуни бўйича махсус қарор қабул қилинди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,
232-10-63.

E-mail: reklama@xs.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЫР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.

Қўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар: (0-371) 256-24-36, 256-37-13 ҳамда www.mtxom.uz электрон манзил орқали олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Мўлжал — метронинг «Қосмонавтлар» бекати, 140-автобус ва 67-йўналишли таксининг «Хореография олий мактаби» бекати.

Қабул комиссияси.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг эътибор берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20

Тошпирилди — 01.40

1 2 3 4 5 6